

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ**

**ҚЎЧҚОРОВ ОЙБЕК ОДИЛБЕКОВИЧ**

**ДИАФРАГМА ШИКАСТЛАНИШЛАРИДА ДИАГНОСТИКА ВА  
ХИРУРГИК ДАВО ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.40 – Шошилинч тиббиёт**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy  
(PhD)**

**Қўчқоров Ойбек Одилбекович**

Диафрагма шикастланишларида диагностика ва хирургик даво  
тактикасини такомиллаштириш..... 3

**Кучкаров Ойбек Одилбекович**

Совершенствование диагностики и тактики хирургического лечения  
повреждений диафрагмы..... 25

**Kuchkarov Oybek Odilbekovich**

Improvement of diagnostics and tactics of diaphragm injuries surgical  
treatment..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 50

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ**

**ҚЎЧҚОРОВ ОЙБЕК ОДИЛБЕКОВИЧ**

**ДИАФРАГМА ШИКАСТЛАНИШЛАРИДА ДИАГНОСТИКА ВА  
ХИРУРГИК ДАВО ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.40 – Шошилинч тиббиёт**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Tib 103 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида бажарилган.  
Диссертация автореферати икки тилда (Ўзбек ва рус, шунингдек инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.emerg-centre.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Алтиев Базарбой Курбанович  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:** Акбаров Миршавкат Миралимович  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ризаев Камол Саидақбарович  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** Республика тиббиёт ходимлар касбий малакасини ошириш маркази

Диссертация химояси Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази, ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил «2» август соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100115, Тошкент ш. Кичик халқа йўли кўчаси, 2. Тел.: (+99878) 150-46-00; факс: (+99878) 150-46-05; e-mail: uzmedicine@mail.ru, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази, 2-қават, мажлислар зали).

Диссертацияси билан Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент ш., Кичик халқа йўли кўчаси 2. Тел.: (+99878) 150-46-00; факс: (+99878) 150-46-05.

Диссертация автореферати 2021 йил «2» август куни тарқатилди.  
(2021 йил 23 даги август 23 рақамли реестр баённомаси).



А.М. Хаджибаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Х.Э. Анваров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа доктори (PhD)

В.Х. Шарипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори

## **КИРИШ (фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда кўкрак ва қориннинг ёпиқ травмаларида диафрагма шикастланишларини даволаш шошилинич хирургиянинг ҳам тинчлик давридаги, ҳам уруш шароитидаги ечилмаган масаласи бўлиб қолмоқда. Бу борада торакоабдоминал шикастланиши мавжуд беморлар сонининг ошиб бориши, ушбу тоифадаги беморларни даволашдаги диагностик ва тактик хатолар юқори даражада сақланиб қолаётганлиги ҳам аксарият мутахассислар томонидан қайд қилинмоқда. Диагностик ва тактик хатоларга олиб келувчи асосий сабаблар сирасига ушбу тоифадаги «...беморларнинг кўпчилигини шифохонага оғир ва шок ҳолатда, гиёҳвандлик ёки алкоголь мастлик ҳолатида олиб келиниши ҳамда кўкрак ва қорин бўшлиғи аъзоларининг бир вақтда шикастланиши оқибатида юзага келадиган тахликали вазиятлар киради. Кўкрак қафаси ва қориннинг шикастланишлари мавжуд беморлар энг оғир даражадаги гуруҳга мансублигини инобатга оладиган бўлсак, бу муаммо бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда...»<sup>1</sup>. Шу билан бирга, кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғининг ёпиқ шикастланишларида диагностик тадбирларни белгилашга, беморни операцияга тайёрлашга, диафрагма шикастланишларида оқилона жарроҳлик тактикасини ва операциядан кейинги интенсив терапияни танлашга оид муаммолар ҳанузгача ечилмаган. Ушбу патологияни ўз вақтида аниқлаш мураккаблиги кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғининг турли органлар шикастланиши оғирлигининг турли даражасида турли хил клиник намоён бўлиши, аксарият ҳолларда бемор ҳолатининг оғир аҳволда бўлиши, диафрагма шикастланишининг ўзига хос белгилари мавжуд эмаслиги, кўкрак ва қорин бўшлиғи аъзоларининг бир вақтда шикастланиши натижасида улар бир-бирини оғирлаштириши, икки қўшни бўшлиқнинг герметиклиги бузилиши билан боғлиқ. Шунини инобатга олган ҳолда ҳеч шак-шубҳасиз айтиш мумкинки, диафрагма шикастланишларида диагностика ва хирургик даволаш тактикасини тўғри танлашга қаратилган аниқ баён қилинган ва илмий асосланган клиник тавсияларни ишлаб чиқиш долзарб масалалардан биридир.

Жаҳонда диафрагма шикастланишларида диагностика ва хирургик даволаш тактикасини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада диафрагманинг очик ва ёпиқ шикастланишлари механогенези таркибини батафсил ўрганиш, ультратовуш текшируви, рентгенография, мультискан компьютер томография каби нурли диагностика усуллари, видеоторакоскопия ва видеолапароскопия каби эндовидеохирургик технологияларни кенг тадбиқ қилиш ва уларнинг диагностик-даволаш имкониятларини кенгайтириш орқали ушбу оғир ва мураккаб шикастланишларни эрта аниқлаш ва ўз вақтида кам шикастлантирувчи услубларда бартараф қилишга, шикастланишдан сўнг

---

<sup>1</sup> Омаров И. Ш. Диагностика и хирургическое лечение разрывов диафрагмы при закрытой травме груди и живота / дис.канд.мед.наук. С.-Петербург, 2007, 126

яқин ва узоқ муддатларда қисилган посттравматик диафрагма чурралар учраш даражаси камайтиришга қаратилган даволаш тизимини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, хирургик касалликларни ўз вақтида аниқлаш, даволаш ва профилактикаси сифатини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, диафрагма шикасланишларида диагностика ва хирургик даволаш тактикасини такомиллаштиришга, бу каби оғир хирургик беморларни даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган ташкилий ва тиббий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдам фойдали тизимини ташкил этиш ва моддий-техник базани келгусида мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V1. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Диафрагма жароҳатларини ташхислаш ва даволаш тинчлик ва уруш вақтида ҳам шошилиш хирургияда торакоабдоминал шикастланишнинг энг мураккаб муаммоларидан бири ҳисобланади. Бу нафақат кўкрак ва қорин бўшлиғи зичлигининг бир вақтда бузилиши билан боғлиқ жароҳатнинг оғирлик даражаси билан, балки диагностик ва даволаш-тактик хатоларнинг юқори частотаси, асоратлар кўплиги ва юқори

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

ўлим кўрсаткичи билан ҳам белгиланади (Абакумов М.М., Ермолова И.В., Погодина А.Н., Владимирова Е.С., Картавенко В.И., Щербатенко М.К., Абакумов А.М., Казанцев С.В., Шарифуллин Ф.А., 2000). Хатоларнинг сабаблари диафрагма шикастланишининг ўзига хос клиник белгилари йўқлиги, беморлар ҳолати оғирлиги, текширувнинг ноинвазив усуллари ёрдамида диафрагмани кўриш мураккаблиги билан боғлиқ ташхислашнинг қийинлиги ҳисобланади. Диафрагма шикастланган беморларнинг 70 фоизи клиникага ички қон кетиш белгиси билан ўта оғир ҳолатда, улар билан мулоқот қилиш қийинлашади, тўлиқ текшириш учун вақт жуда чекланган бўлади (Сидоров М.А., Федоровцев В.А., Федаев А.А., Десятникова И.Б., Иванова А.А., 2014) Диафрагма шикастланишида, айниқса ёпиқ жароҳатда шикастланишни эрта ташхислаш, энг тўғри ва самарали жарроҳлик тактикаси, тезкор ёрдам усули ва гомеостазнинг оғир даражада бузилишини тузатиш усуллари танлаш кўпроқ қийинчилик туғдиради. Бугунги кунда мавжуд адабиётларда диафрагма шикастланишлари эпидемиологияси, уларнинг пайдо бўлиш механизмлари, механик шикастланишларнинг ушбу оғир тури патогенези ва танатогенези ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Ушбу муаммо билан шуғулланувчи деярли барча мутахассислар диафрагма шикастланишини эрта ташхислаш қийинлигини айтишади, шунга кўра диагностик хатолар миқдори 50 фоизга етади, бу эса нохуш оқибатларни белгилайди. Диафрагма шикастланишини эрта ташхислашда КТ ва яқин кунларгача мамлакатимизда чекланган миқдорда бўлган кўкрак қафаси ҳамда қорин бўшлиғи видеоэндоскопияси истиқболли ҳисобланади.

Ўзбекистонда қори бўшлиғи соҳаси жарроҳлик амалиёти бажаришда (Ш.И.Каримов,2015; Ф.Г.Назыров, 2018; А.М. Хаджибаев ва б., 2020) қатор илмий тадқиқотлар олиб боришган, бироқ, диафрагма шикастланишларида ташхисот ва хирургик даволаш тактикасини такомиллаштиришга қаратилган илмий ишлар бажарилмаган.

Республика шошилинчи тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг ҳудудий филиалларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, янги самарали технологияларни, шу жумладан, эндовидеохирургияни барча тиббиёт муассасаларида жорий қилиш амалга оширилиши, янги шароитда диафрагма шикастланишини жарроҳлик билан даволаш тактикасини танлашга анъанавий ёндашувларни қайта кўриб чиқиш масаласининг долзарблиги ушбу оғир патологияни эрта ташхислаш ва даволашнинг ноинвазив ва миниинвазив усулларига кўрсатмаларни сезиларли кенгайтириш фойдасига тобора ортиб бормоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АТСС 4.1 «Кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи аъзолари шикастланиши ва ўткир касалликларида хирургик тактикани такомиллаштириш ва даволаш натижаларини яхшилаш

йўллари ишлаб чиқиш» мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида бажарилган (2018-2022 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** диафрагма шикастланишидан азият чеккан беморларни ташхислаш ва комплекс даволаш натижаларини ташхислашни оптималлаштириш ва даволаш тактикасини танлашга дифференцияциявий ёндашувни ишлаб чиқиш йўли билан яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

диафрагма очик ва ёпиқ шикастланишлари механогенезининг таркибини, ушбу тоифадаги беморларнинг жинси ва ёши ҳамда диафрагма жароҳатланишлари ва йиртилишларининг клиник кечиш хусусиятларини баҳолаш;

диафрагма шикастланишларида нур ташхисоти (УТТ, рентгенография, МСКТ), ташхисоти торакоскопия ва лапароскопиянинг информативлигини баҳолаш;

диафрагма жароҳатланиши, ёрилиши ва қисилган посттравматик чуррада хирургик даволаш тактикасини танлашнинг асосий мезонлари ҳамда аралашувларнинг торакал ва абдоминал босқичлари кетма-кетлигини баҳолаш;

диафрагма жароҳати ва ёрилиши мавжуд беморларни жарроҳлик билан даволаш босқичларида эндовидеохирургия техникани қўллашнинг даволаш-диагностик имкониятларини баҳолаш;

диафрагма жароҳати ва ёрилиши мавжуд беморларда эндовидеохирургик, гибрид ва очик аралашувлар натижаларини қиёсий жиҳатдан баҳолаш;

қисилган посттравматик диафрагма чурралар учраш даражаси камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида 2001 йилдан 2018 йилларда даволанган жароҳатли (271), ёрилган (62) ва қисилган посттравматик чурра (14) билан келган 347 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида нур ва эндовидеохирургия визуализациясининг замонавий воситалари ёрдамида пичоқ, атотранспорт, тепаликдан тушиш натижасидаги диафрагма шикастланиши билан кузатиладиган кўкрак ва қорин бўшлиғи шикастланишини, қизилўнгач ва ошқозонни эндоскопик ва рентген контраст текшириш, видеоторакоскопия, видеолапароскопияни тўғри танлаш орқали жарроҳлик амалиётини амалга ошириш ва даволаш самардорлиги таъминлаш материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диафрагма шикастланишларида ташхисот ва хирургик даволаш тактикасини танлашда кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи аъзоларининг бевосита ва билвосита визуализацияси, УТТ, полипозицион рентгенография, МСКТ, қизилўнгач ва ошқозонни эндоскопик ва рентгенконтраст текшириш, видеоторакоскопия, видеолапароскопия, тадқиқотлар асосида статистик ишлов берилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:



диафрагманинг очик ва ёпиқ шикастланишларида қўлланилган турли хил диагностик ва хирургик ёндашувларнинг натижалари нурли диагностика ва эндовидеохирургик техниканинг замонавий воситалари имкониятларини инобатга олган ҳолда тизимлаштирилган;

диафрагма шикастланишини аниқлашда нурли эндовизуализация усуллари, диагностик торакоскопия ва лапароскопиянинг информативлигига қиёсий баҳо берилган. Диафрагма шикастланишларининг диагностикаси мисолида юқорикинетик механик таъсир натижасида жабрланган кўшма шикастланишли ва политравмали беморларнинг бутун танасини МСКТ текширувидан ўтказиш қоидасини кенг тadbик қилиш мақсадга муvифик эканлиги асосланган. Диафрагма ёрилишларини ва постравматик чурраларини аниқлашда МСКТнинг юқори информативлиги исботланган. Диафрагма ёрилишларининг МСКТ-семиотикаси батафсил баён қилинган ва расмлар билан тасвирланган;

диафрагма жароҳатлари ва ёрилишларини хирургик даволашда эндовидеохирургия техникасининг имкониятлари намоён қилинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

диафрагма шикастланишини нур ташхисотининг батафсил тасвирланган протоколи баённома тақдим этилган;

диафрагма жароҳати ва ёрилиши мавжуд беморларда ташхислаш ва даволаш видеоторакоскопия ва видеолапароскопияни қўллашга кўрсатмалар кенгайтирилган;

очик жароҳлик аралашувига кўрсатмалар аниқланди, диафрагма шикастланиши мавжуд беморларни жароҳлик билан даволашнинг торакал ва абдоминал босқичлари кетма-кетлигини танлашнинг аниқ мезонлари тасвирланган;

диафрагма жароҳатида, ёрилишида ва қисилган диафрагма чурраларда диафрагма нуқсонларини тикишга оптимал хирургик йўлни танлаш мезонлари аниқлаштирилган;

диафрагма шикастланишларини эрта ташхислаш ва ўз вақтида бартараф қилиш бўйича таклиф қилинган янги ёндашувлар ушбу оғир ва мураккаб хирургик беморларни даволаш ҳаражатларини қисқартириш имконини берган;

операциядан кейинги эрта ва узоқ муддатли асоратларни камайтиришга, аҳолига кўрсатилаётган ихтисослаштирилган юқори технологик шошилишч хирургик ёрдам самарадорлигини оширишга кўмаклашган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, инструментал ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, диафрагма шикастланишларида ташхисот ва хирургик даволаш тактикасини такомиллаштиришда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан

таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диафрагма шикастланишини ўз ичига олган ёндош шикастланишли ва ярим шикастланиш мавжуд беморларни ташхислаш ва жарроҳлик билан даволашга анъанавий ёндашувларни қайта кўриб чиқиш зарурати, тез тиббий ёрдам хизматининг госпитализация бўғимини юқори технологияли даволаш-ташхислаш ускуналари билан фаол жиҳозлаш ва қайта жиҳозлаш, катта клиник материалларда замонавий тиббиёт технологияларни қўллаш билан ҳар томонлама асосланган, диафрагма шикастланишининг батафсил таҳлили ушбу турдаги шикастланиш тарқалиши ва унинг асоратлари, кўшилган шикастланиш оғир шаклининг клиник кечишининг ўзига хосликлари тўғрисида илмий билимларни кенгайтириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шошилишч видеоторакоскопия ва видеолапароскопияга кўрсатмаларни кенгайтириш анъанавий ёндашувлар билан таққослаганда бемор ҳолатини оғирлаштирмаслиги, очик ва ёпиқ шикастланиш ҳамда диафрагма чурраси мавжуд беморларни эрта ташхислаш ва жарроҳлик билан даволаш натижаларини яхшилаш, диафрагманинг механик шикастланишида диафрагмани турли жарроҳлик усулида тикишга кўрсатмалар конкретлаштирилиш ва унификациялаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Диафрагма шикастланишларида ташхисот ва хирургик даволаш тактикасини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

Диафрагма турли шикастланишларида жароҳатланиш тури сабаб ва оқибатларни олдини олиш ва самарли ташхислаш ва хирургик даволаш тактикасини танлаш асосида ишлаб чиқилган «Диафрагма ёрилишларининг нурли диагностикаси» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 15 октябрдаги 8н-д/220-сон маълумотномаси). Натижада диафрагма ёрилишларининг нурли диагностикаси такомиллаштириш, диафрагма шикастланишларини эрта ташхислаш ва ўз вақтида энг мақбул даволаш тактикасини танлаш орқали беморларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ва ногиронликнинг олдини олиш имкониятларини сезиларли кенгайтириш орқали касалликни даволаш тактикасини танлаш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

Диафрагма шикастланишларида ташхисот ва хирургик даволаш тактикасини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика шошилишч илмий амалий тиббиёт марказининг Хоразм ва Тошкент вилоятлари филиларининг шошилишч хирургия бўлимлари амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 05 майдаги 8н-з/92-сон маълумотномаси). Олинган

натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши диафрагма шикастланиши ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилаш, операциядан кейинги специфик асоратларни 2 баробар, носпецифик асоратларни эса 4,7-7,0 баробар камайтиришга ҳамда ўлим кўрсаткичини 40,0 фоиздан 26,2 фоизга қисқартиришга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Диафрагма жароҳатланиши билан кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи шикастланишини хирургик даволаш муаммоларининг замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида диафрагманинг травматик жароҳатланиши муаммоларининг ҳозирги ҳолати тўғрисида маълумотлар келтирилган адабиётлар шарҳи баён қилинган. Шикастланиш муаммолари оғир даражада ва касаллик ҳамда ўлим ҳолатлари юқорилиги билан кузатиладиган етарлича кенг тарқалган патологик ҳолат ҳисобланади. Фойдаланиладиган анъанавий клиник-лабораториявий усуллар ўз имкониятига кўра диафрагма травматик шикастланишини тўлақонли ташхислашнинг барча мавжуд муаммоларини ҳал қила олмайди. Шу сабаб ҳозирги вақтга қадар диафрагманинг травматик шикастланишини операциясидан сўнг юқори ўлим ҳолатлари сақланиб қолмоқда, бу эса ушбу тоифадаги беморларни жарроҳлик билан даволаш усулларини такомиллаштириш заруратини белгилайди.

Диссертациянинг «**Диафрагма жароҳатланиши билан кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи шикастланишини хирургик даволаш тактикаси баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида

текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари келтирилган. Клиник кузатувларнинг асосини диафрагма жароҳати (271) ва ёрилиши (62), шунингдек, постравматик қисилган чурралар 347 нафар беморнинг даволаш натижалари таҳлили ташкил этди. Клиникамизга йилига ўртача  $23,1 \pm 7,4$  диафрагма шикастланиши мавжуд бемор келади. Бошқа барча механик шикастланиш шаклларида ҳам бизнинг кузатувларимизда эркаклар устун бўлишган – 83,3% бемор, аёллар атиги 16,7% бўлишди. Шу ўринда тахминан худди шундай жинсга кўра беморлар таркиби нисбати жароҳатли шикастланишнинг ўткир даврида келган (83,3% эркак 16,7% аёлларга қарши) ва диафрагма ёрилиш мавжуд (81,0% қарши 19,0%) шахсларда сақланиб қолган бўлса, диафрагманинг қисилган постравматик чурралар билан касалхонага ётқизилган, шикастланишга кўрсатма фақат узоқ вақтда анамнезда келтирилган беморларда эркак ва аёл ўртасидаги нисбат тахминан 1:1 бўлган.

Деярли барча диафрагма шикастланиши мавжуд беморлар (94,5%) энг жисмоний ва ижтимоий фаол ёшда бўлишган – 60 ёшгача. Беморларнинг ўртача ёши  $34,2 \pm 13,6$  13 ёшдан 87 ёш оралиғини ташкил этган.

Шикастланиш сабаблари орасида жиноятчилик жароҳати (74,1%) ва ЙТХ (16,1%) устунлик қилган. Шу ўринда диафрагма жароҳати мавжуд мутлақ аксарият беморларда (92,3%) жиноятчиликдан шикастланиш муҳим ўрин эгаллаган бўлса, аъзолари ёрилган шахсларда касаллик сабаблари таркибида шикастланишнинг юқори кинетик шакли – ЙТХ (77,4%) ва юқори шикастланиш (17,7%) устун бўлди, улар турли орган ва тизимларнинг кўплаб ҳамда ёндош шикастланишининг юқори частотаси билан фарқланишди.

Тошкент каби мегаполис шароитида клиникага диафрагма шикастланиши мавжуд беморларни етказиб келиш муддатлари бўйича алоҳида муаммони аниқламадик – ўткир шикастланишли 87,3% бемор илк 3 соатда етказиб келинган. Бироқ қисилган диафрагма грижали беморларда касалликнинг касалхонага ётқизишгача бўлган даврида ушбу улкан асоратни эрта ташхислашда муайян қийинчиликлар юзага келди, чунки уларнинг деярли барчаси (14 та шахсдан 13 нафари) клиник қисилиш пайдо бўлгандан бир кундан кўп вақт ўтиб клиникага келишган.

Шикастланиш кўпроқ диафрагманинг чап томонида қайд этилган бўлиб, у 65,1% беморда кузатилган. Диафрагманинг ўнг томони шикастланиши 32,0% беморда ташхисланган. Бундан ташқари, 2,9% беморда икки томонлама диафрагма шикастланиши аниқланган бўлиб, жароҳатларда истисносиз қайд этилган, ёпиқ шикастланиш ва постравматик диафрагма грижаси мавжуд беморларда эса икки томонлама жароҳат аниқланмади.

Диссертациянинг «**Диафрагма жароҳатларини ташхислаш ва жарроҳлик билан даволаш**» деб номланган учинчи бобида диафрагма жароҳатили 271 нафар беморни, шу жумладан, торакоабдоминал жароҳатли 242 (89,3%) ва абдоминоторакал жароҳатли 29 (10,7%) беморни даволаш натижалари келтирилган. Шу ўринда торакоабдоминал соҳанинг битта жароҳатланиши 76,0% беморда, кўп жароҳатланиш 24,0% беморда қайд

этилган. Жароҳатланиш кўкрак ва қориннинг чап қисмида ўнг тарафига қараганда икки барабар кўпроқ тасдиқланган – 64,2% қарши 32,1% ҳолатга. 10 (3,7%) нафар беморда икки томон жароҳатлиши мавжуд бўлган, бунда диафрагманинг иккала ярми жароҳати 3 нафар беморда, фақат чап томон жароҳатлиши – 4 нафар ва фақат ўнг томон жароҳатлиши 3 нафар беморда қайд этилган.

Диафрагма жароҳатлиниши аёлларга нисбатан эркакларда кўпроқ учрайди. Диафрагма жароҳатлишининг юқори частотаси ёш беморлар билан боғлиқлиги аниқланди ( $R^2=0,9917$ ): 19-44 ёшли беморлар 84,5% бўлган бўлса, кейинги 45-59 ёш диапазонида бу кўрсаткич 11,8% гача ва кейин 60-74 ёшгача 3,0% гача пасаяди, шунингдек, жами 0,7% бемор кекса ёшлилар бўлган. Диафрагма жароҳатли беморларнинг ўртача ёши  $32,0 \pm 12,7$  ёшни ташкил этган.

Мутлақо аксарият беморларда (92,3%) жароҳат олиш ҳолати жиноятчилик билан боғлиқ бўлган, 4,8% беморда шикастланиш майший ҳолатда, 2,2% беморда – ишлаб чиқаришда, 0,7% – суиқасд натижасида келиб чиққан.

Деярли барча беморлар (94,8%) клиникага эксцесс вазиятнинг илк 3 соатида етказилган. Беморларнинг ярмидан кўпида умумий ҳолати оғир, ўта оғир ва агонал бўлган, 43,5% жароҳат олганларда эса клиникага келган вақтдаги умумий аҳволи ўрта оғирликда деб баҳоланган. Травматик шок ҳолатида 50,9% бемор келтирилган, жумладан 13,3% беморда III ва IV даражадаги шок тасхисланган.

Торакоабдоминал соҳа жароҳатлишининг асосий клиник белгилари кўкрак қафасининг шикастланган ярмида (72,0%) ва қорин бўшлиғида оғриқлар (64,2%), шунингдек, умумий ҳолсизликнинг ортиб бориши (60,5%), бош айланиши (39,9%) ва оғиз қуриши (31,7%) каби шикоятлар бўлган. Кўп ҳолларда биз нафас қисиши (16,6%) ва кўнгил айланиши (7,0%) кузатдик. Ягона ҳолатда қон туфлаш (0,7%) ва қусиш (1,5%) кузатилди.

Торакоабдоминал соҳа жароҳатлишида ташхислашнинг асосий усули кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғининг рентгенографияси ҳисобланиб, 259 (95,6%) нафар беморда амалга ошириш имкони бўлди. Кўкрак қафасининг рентгенограммасида бирор бир ҳолатда биз диафрагма шикастланишига хос патогномик симптом – қорин бўшлиғи аъзоларининг ўпка бўшлиғига тушишини аниқламадик. Шунга кўра, жарроҳлик билан даволаш тактикасини танлашда биз асосан жароҳатнинг кўкрак қафаси ва/ёки қорин бўшлиғига киришининг рентгенологик белгиларига асосландик. Кириб борган жароҳатлиниш белгилари 61,0% текширилган беморда, жумладан, гемоторакс – 45,2% беморда, гемопневмоторакс – 11,2% ва пневмоторакс – 4,6% беморда аниқланган. Бундан ташқари, 6,9% беморда жароҳат каналининг ўпка бўшлиғига кириб бориши, тери ости эмфиземаси (5,8%) ва ўпка ичи гематомаси (1,2%) каби бевосита аломатлар мавжуд бўлган. Қорин бўшлиғига жароҳат кириб боришининг рентгенологик белгиси – диафрагма 6,6% ҳолатда қайд этилган.

УТТ 252 (93,0%) нафар беморда амалга оширилган бўлиб, бу текширувда ҳам бирор ҳолатда диафрагма жароҳатининг бевосита аломатларини контурасидаги нуқсонни аниқлаш имкони бўлмади. Диафрагма жароҳатининг бевосита аломатларини аниқлашда УТТ информативлиги ҳам сезиларли чекланган – фақат 40,9% текширилган беморларда гемоперитонеум белгиларини текшириш имкони бўлди, жумладан, 6,0% беморда улар жигар ва талоқ шикастланишининг УТ аломатлари билан ёндош бўлган, шунингдек, 4,0% ҳолатда ошқозонности бези билан ёндош бўлган.

Ўпка бўшлиғининг УТТ ҳам қорин бўшлиғининг сонографияси каби кам информатив: фақат 48,4% беморда ўпка бўшлиғининг шикастланган томонида гемоторакс (бўш суюқлик) мавжудлиги қайд этилган, диафрагма нуқсони эса бу ҳолатда аниқланмади.

Видеоторакоскопия жами 225 (83,0%) беморда амалга оширилди, видеолапароскопия – 106 (39,1%) нафар беморда, бирламчи кенг торакотомия ва лапаротомия 46 (17,0%) ва 163 (60,1%) ҳолатда амалга оширилди. Диафрагма жароҳатили беморларда эндовидеохирургия техникасини қўллашга кўрсатма ва қарши кўрсатмаларга қатъий риоя қилишда видеотораскопияда конверсия кўрсаткичи 15,9%, видеолапароскопия – 20,0% ни ташкил этади.

Диафрагма жароҳатили беморларни жарроҳлик билан даволаш тактикасини ва аралашувнинг торакал ҳамда абдоминал босқичлари кетма-кетлигини аниқлаштиришда кўкрак қафаси ёки қорин бўшлиғи аъзоларининг шикастланиши устунлиги муҳим аҳамият касб этади. Тенг шароитларда торакал босқичга асосий эътибор қаратилади.

79,5% ҳолатда кўкрак қафаси шикастланиши устун бўлган беморларда видеоторакоскопияни биринчи босқичда қўллаш эндожарроҳлик усули билан барча ўпка ички асоратларни кенг торакотомияни амалга оширмай бартараф этишга имкон берди. Эндожарроҳлик техникасининг даволаш-диагностик имониятлари уларни иккинчи босқичда устун бўлмаган шикастланишли ёндош анатомик бўшлиқда қўллашда янада кўпроқ намоён бўлади, шунда конверсия кўрсаткичи видеотораскопияда 1,9%дан ошмайди, иккинчи босқичда фойдаланилган видеолапароскопияда эса – 14,7% (1-жадвал).

Торакоабдоминал жароҳатли 20,3% беморда тўлақонли ревизияни амалга оширдик ва иккала ёндош бўшлиқларда, шу жумладан диафрагма нуқсонида миниинвазив видеоэндохирургия усули билан бўшлиқлар ичи асоратларини тўла бартараф эта олдик. Бундан ташқари, 60,9% беморда гибрид технология қўлланилиб, битта бўшлиқда барча аралашувлар эндоскопик усулда, иккинчисида эса очик аралашув усулида амалга оширилди. Иккала ёндош бўшлиқда очик операциялар сонини 18,1 фоизга камайтиришга эришилди.

Диафрагма жароҳатини тикиш учун жарроҳлик усулини танлашда кенг торакотомия ва/ёки лапаротомияга кўрсатмалар мавжудлигини ҳисобга олдик, чунки диафрагма нуқсонини тикиш техник жиҳатдан осон ва очик

опреацияларда амалга ошириш ишончлироқ. Шундай қилиб, торакотомия ва лапаротомия нисбати бизнинг кузатувларимизда 81/185 ни ташкил этади, биз кўп ҳолларда лапаротомиядан фойдаландик. Эндожарроҳлик техникасини қўллашда диафрагма нуқсонини торакоскопияда тикиш қулайроқ ва бу 29,3% ҳолатда амалга оширилди.

### 1-жадвал

#### Диафрагма жароҳати мавжуд беморларда бирламчи жарроҳликнинг ўзига хослиги, n=271

| Бирламчи жарроҳлик тури                | Беморлар сони |      | Конверсия |      |
|--|---------------|------|-----------|------|
|  | Абс.          | %    | Абс.      | %    |
| Торакал босқич, n=271                  |               |      |           |      |
| Торакоскопия                           | 225           | 83,0 | 36        | 16,0 |
| <i>биринчи босқичда</i>                | 171           | 63,1 | 35        | 20,5 |
| <i>абдоминал босқичдан кейин</i>       | 54            | 19,9 | 1         | 1,9  |
| Торакотомия (бирламчи торакоскопиясиз) | 46            | 17,0 |           |      |
| <i>биринчи босқичда</i>                | 40            | 14,8 |           |      |
| <i>абдоминал босқичдан кейин</i>       | 6             | 2,2  |           |      |
| Абдоминал босқич, n=269 (99,3%)        |               |      |           |      |
| Лапароскопия                           | 106           | 39,1 | 21        | 19,8 |
| <i>биринчи босқичда</i>                | 11            | 4,1  | 7         | 63,6 |
| <i>торакал босқичдан кейин</i>         | 95            | 35,1 | 14        | 14,7 |
| Лапаротомия (бирламчи лапароскопиясиз) | 163           | 60,1 |           |      |
| <i>биринчи босқичда</i>                | 49            | 18,1 |           |      |
| <i>торакал босқичдан кейин</i>         | 114           | 42,1 |           |      |

Операциядан кейинги асоратлар частотаси жароҳат оғирлик даражаси ва жарроҳлик аралашуви ҳажми билан бевосита боғлиқ. Жароҳат оғирлик даражаси ва табиати эндовидеожарроҳлик аралашувни иккала ёндош бўшлиқда қўллаш билан чекланиш имконини берганида биз клиник жиҳатдан муҳим операциядан кейинги эрта асоратлар ва ўлим ҳолатини аниқламадик. Гибрид аралашувлардан фойдаланилганда очиқ жарроҳлик аралашуви ўтказилган гуруҳ билан таққослаганда операциядан кейинги ўзига хос асоратлар частотаси 2 баравар, носпецифик асоратлар деярли 6 баравар, ўлим кўрсаткичи 2,6 баравар кам бўлди. Диафрагма жароҳатили беморларда умумий операциядан кейинги ўлим кўрсаткичи 6,6% ни ташкил этди (2-жадвал).

Диссертациянинг «**Диафрагма ёрилишини ташхислаш ва жарроҳлик билан даволаш тактикасининг ўзига хослиги кўрсаткичлари**» деб номланган тўртинчи бобида очиқ жароҳатда 62 нафар беморни жарроҳлик билан даволаш натижалари келтирилган. Беморлар 19 ёшдан 67 ёшгача эди (ўртача ёш – 40,4±12,5 ёш). Фақат 4 (6,5%) нафар бемор кекса ёшли, қолган барчаси – ёш (39; 62,9%) ва ўрта ёшли (19; 30,6%) бўлган. Шу ўринда ( $R^2=0,9298$ ) беморлар ёши ва жароҳат частотаси ўртасида қарама-қарши боғлиқлик кузатилди, яъни инсоннинг жисмоний ва ижтимоий фаоллиги қанча юқори бўлса, бундай турдаги жароҳатланиш хавфи шунча баланд бўлади, бу эса диафрагма ёрилиши мавжуд беморлар таркибида эркак ва аёл нисбати билан

яна тасдиқланади – бизнинг кузатувларимизда эркаклар 50 (80,6%), аёллар – 12 (19,4%) нафар бўлди.

## 2-жадвал

### Турли ҳажмдаги амалиётларда оперциядан кейинги асоратлар миқдори, абс. (%)

| Асорат                      | Амалиёт ҳажми ва тури |               |            |
|-----------------------------|-----------------------|---------------|------------|
|                             | Эндохирургик, n=55    | Гибрид, n=165 | Очик, n=51 |
| <b>Специфик асоратлар</b>   |                       |               |            |
| Жароҳат йиринглаши          | -                     | 18 (10,9)     | 12 (23,5)  |
| Ўпка эмпиемаси              | -                     | 3 (1,8)       | 2(3,9)     |
| Қон кетиши                  | -                     | 1 (0,6)       | -          |
| Перитонит                   | -                     | -             | 2 (3,9)    |
| Диафрагма усти абсцесси     | -                     | 3(1,8)        | -          |
| Жами                        | -                     | 25 (15,2)     | 16 (31,4)  |
| <b>Носпецифик асоратлар</b> |                       |               |            |
| Пневмония                   | -                     | 11 (6,7)      | 20(39,2)   |
| ЎАТЭ                        | -                     | -             | 1(2,0)     |
| ЎМИ                         | -                     | 1 (0,6)       | -          |
| Жами                        | -                     | 12 (7,3)      | 21 (41,2)  |
| Вафот этди                  | -                     | 10 (6,1)      | 8 (15,7)   |

Диафрагманинг ёпиқ шикастланишида патогномоник аломатлари мавжуд эмас. Ушбу тоифадаги беморларда биз доим диафрагмага қараганда кўкрак қафаси қобирғаси жароҳати билан боғлиқ кўкрак қафасининг шикастланган ярмида оғриқ аниқладик. Кейин частотасига кўра ўткир ички қон кетиш аломатлари туради. Кўп ҳолларда бу беморлар турли даражада онг бузилиши билан клиникага етказилади, бу беморлардаги мавжуд шикастланишларни бирламчи диагностикасини сезиларли қийинлаштиради. Кўкрак қафаси аъзолари шикастланиши аломатлари ва умумий белгилардан фарқли равишда қорин бўшлиғи жароҳатлари кўринишлари зўрға кўринган.

72,6% беморда жароҳат томонда қовурға синиши ташхисланган. Шу ўринда фақат 14,5% беморда фақат битта қовурға синиши, қолган 58,1% беморда эса кўп қовурға синиши кузатилган. Диафрагманинг ёпиқ ёрилиши юқори жиноятчилик жароҳат турларига хос бўлиб, 95,2% беморда жароҳат ЙТХ ва юқори шикастланиш оқибатида келиб чиққан. Қовурға синиши бўлмаган диафрагма ёрилишининг барча ҳолатларида ёндош ва ярим жароҳатланиш ташхисланган.

Шундай қилиб, кўкрак қафасининг ёпиқ шикастланиши патогенезида иккита асосий омил ҳал қилувчи аҳамиятга эга: қорин бўшлиғи ичида кескин босим ошиши билан юқори энергетик жароҳат таъсирида; аъзоларнинг қовурғанинг ўткир учлари билан бевосита шикастланиши.



56,5% беморда диафрагманинг пай қисми ёрилиши, жумладан, 45,2% беморда – пай маркази атрофида, 11,3% беморда эса – мушаклар қисмига ўтиши билан ташхисланган. Шу ўринда диафрагманинг пай ёки мушак қисми жароҳатланиши частотасида ишончли фарқ диафрагманинг ўнг ва чап куббаларида аниқланмаган ( $p > 0.05$ ). диафрагманинг ўнг ва чап куббаси ёрилиши частотасининг нисбати 2:1 ни ташкил этади.

Ушбу тоифадаги беморлар яқин жойлашган бўшлиқлар ва бошқа тизимлар аъзоларининг ёндош шикастланиши юқори частотаси билан тавсифланади, бу эса барча мавжуд жароҳатларни эрта ташхислаш ва даволаш тактикасини танлаш жараёнини қийинлаштиради. Кузатувларимизда 62 нафар бемордан фақат битта аёлда диафрагманинг казуистика сифатида ажратилган ёрилиши мавжуд эди, қолган барча ҳолатда эса ёндош шикастланиш қайд этилган бўлиб, улар орасида қовурға синиши (77,4%) ва скелетнинг бошқа суяклари синиши (56,5%), шунингдек, БМШ (54,8%) устун бўлган. Органлар диафрагмасига кириб борувчи жароҳатнинг қарийб бир хил частотаси аниқланган: жигар ёрилиши 29,0% беморда, талоқ ёрилиши – 27,4%, ўпка ёрилиши – 24,2% ва буйрак ёрилиши – 24,2% ҳолатда аниқланган. Деярли  $\frac{3}{4}$  беморда (72,6%) турли оғирлик даражасидаги шок мавжудлиги қайд этилган.

Диафрагма ёрилишининг бевосита рентгенологик белгилари – қорин бўшлиғи аъзоларининг ўпка бўшлиғига тушиши 45,2% беморда кузатилган бўлиб, уларнинг барчасида чап томонида жароҳатланиш бўлган. Рентгенограммаларда кўп ҳолларда қовурға синиши, (77,4%), гемоторакс, гемопневмоторакс ва пневмоторакс (51,6%), ўпка лат ейиши (19,4%) ва тери ости эмфиземаси (40,3%) аниқланган.

Диафрагма шикастланишининг бевосита ультратовушли белгилари (диафрагма нуқсонлари визуализацияси) ва унинг билвосита эхо белгилари (қорин ва ўпка бўшлиғи аъзолари визуализацияси) фақат 8,1% ва 12,9% беморда мос равишда аниқланди. Диафрагма ёрилишининг билвосита ультратовушли белгиларига, шунингдек, диафрагманинг юқори турган ҳолати (11,3%), ўпкада (62,9%) ва қорин бўшлиғида бўш суюқлик мавжудлиги (41,9%), ўртада турган жойидан силжиши (6,5%) ҳам киради.

2008 йилдан 2016 йилгача кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи ярим шикастланиши МСКТ текшируви жами 171 нафар беморда амалга оширилган бўлиб, диафрагма ёрилиши 16 (3,5%) ҳолатда қайд этилган. Кейинги диафрагма шикастланиши интраоперацион равишда 15 нафар беморда тасдиқланди, шу жумладан, чап кубба ёрилиши 11 нафарида (73,3%), ўнг томон ёрилиши 4 (26,7%) ҳолатда аниқланган. Биз ушбу 15 нафар беморда диафрагма ёрилишининг бевосита ва билвосита МСКТ-белгиларининг ретроспектив таҳлили ўтказилди.

Барча 15 нафар беморда МСКТ кесмаларида диафрагма нуқсони мавжудлигини аниқладик, бу турли ўлчамдаги диафрагмал грижа белгилари билан кузатилди. Диафрагманинг осилган лоскут деб номланувчи белгини фақат 2 нафар диафрагма ёрилиши мавжуд беморда (13,3%) аниқладик. 8 (53,3%) нафар беморда аниқланган диафрагма муайян сегментининг сезиларли

қалинлашиши мустақил ва ёрилишнинг муҳим белгиси деб ҳисобланиши мумин, унинг икки қавати қўшилиши ёки аъзоларнинг мушакларо қатламида гематотма тўпланиши ҳисобига ҳосил бўлади.

12 (80,0%) нафар беморда қорин бўшлиғи аъзоларининг диафрагма нуқсони орқали ўпка бўшлиғига силжиши яна бир белги – қорин бўшлиғи юқори ҳолати билан боғлиқ. Дафрагма нуқсони соҳасида (грижа оғзи) қорин бўшлиғи аъзоларининг ўпка бўшлиғига тушиши билан торайиш шаклида пайдо бўладиган “қумсоат» белгиси 11 (73,3%) беморда қайд этилган. Диафрагма ўнг куббаси ёрилиши ташҳисида 2 ва 3 нафар беморларда мос равишда аниқланган жигар гипоперфузиясининг (чизиқ белгиси) чизиқсимон қисмида босим билан кўриниши ва ўрқач шаклидаги - буқир симптоми жигар юқори контурасининг қисман чиқиб кетиши каби билвосита МСКТ белгилари ёрдам беради.

Кейинги МСКТ-белги – диафрагма чап куббасининг орқа ёнида ёрилиш мавжуд 10 (66,7%) нафар беморда аниқланган ёндош орган симптомидир ҳамда тасвирларда қорин бўшлиғи аъзоларининг ўпка бўшлиғига тушган кўкрак қафаси юзасига чамбарчас кириб бориши акс этган.

Фронтал ва сагитал кесимларда аниқланган кесилган синус симптоми 7 (46,7%) беморда аниқланган.

Диафрагманинг ёпиқ шикастланиши мавжуд деярли барча беморларда (61 (98,4%) беморда) жарроҳлик билан даволашда эндовидеожарроҳлик техникаси, шу жумладан, 60 нафар беморда (96,8%) видеоторакоскопия ва 21 (33,9%) нафарида ўтказилди (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Диафрагма ёрилиши мавжуд беморларда бирламчи жарроҳликни амалга ошириш табиати, n=62**

| Бирламчи жарроҳлик табиати             | Беморлар сони |      | Конверсия |      |
|--|---------------|------|-----------|------|
|  | Абс.          | %    | Абс.      | %    |
| <b>Торакал босқич</b>                  |               |      |           |      |
| Торакоскопия                           | 60            | 96,8 | 11        | 18,3 |
| Биринчи босқичда                       | 29            | 48,3 | 10        | 34,5 |
| абдоминал босқичдан кейин              | 31            | 51,7 | 1         | 3,2  |
| Торакотомия (бирламчи торакоскопиясиз) | 2             | 3,2  |           |      |
| Биринчи босқичда                       | 2             | 100  |           |      |
| Абдоминал босқичдан кейин              | -             | -    |           |      |
| <b>Абдоминал босқич</b>                |               |      |           |      |
| Лапароскопия                           | 21            | 33,9 | 8         | 38,1 |
| Биринчи босқичда                       | 8             | 38,1 | 7         | 87,5 |
| Торакал босқичдан кейин                | 13            | 61,9 | 1         | 7,7  |
| Лапаротомия (бирламчи лапароскопиясиз) | 40            | 64,5 |           |      |
| Биринчи босқичда                       | 23            | 57,5 |           |      |
| Торакал боқичдан кейин                 | 17            | 42,5 |           |      |

Кўкрак қафаси ёки қорин бўшлиғида аралашувлар кетма-кетлигини танлашда, асосан, гемоторакс ва гемоперитонеум ҳажмини ҳисобга олдик.

Шундай қилиб, агар кўкрак қафаси аъзоларидан қон кетиши белгилари усутнлик қилса, аралашувни торакоскопиядан (29) ёки торакотомиядан (2) бошладик, агар гемоперитонеум ва/ёки висцероторакс белгилари (қорин бўшлиғи аъзоларининг ўпка бўшлиғига тушиши) аниқ намоён бўлган бўлса биринчи босқичда видеолапараскопия (8) ёки лапаротомия (23) амалга оширилган. Бизнинг кузатувларимизда биринчи босқичда торакал ва абдоминал аралашув амалга оширилгани нисбати 31/31 ни ташкил этди.

